



## Қазбек Нағашбоев

Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих институти 2-босқич

таянч докторант,

E-mail: [k95nagashboev@gmail.com](mailto:k95nagashboev@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15487124>

### 1939-1945 йилларда ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИСИ ОРАСИДА ҲАРБИЙ-ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШДА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Аннотация:** мазкур мақолада Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ССР аҳолиси орасида ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кучайтирилиши акс этган бўлиб, бу ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистон ССР комсомол ташкилоти катта рол ўйнаганлиги акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** уруш, ҳарбий-жисмоний тайёргарлик, комсомол ташкилоти.

**Кириш.** Урушолди (1939) даврида ҳам, уруш даврида ҳам комсомол ташкилотлари томонидан, ёшлар орасида фронтга сафарбарлик бўйича тарғибот олиб бориш ишлари жадал тарзда кечди. Совет ҳокимияти томонидан комсомол ташкилотлари зиммасига асосий икки вазифа – биринчиси пионер ва ўқувчиларга

зарурий ҳарбий-жисмоний кўникма ҳамда маҳоратларни ўргатиш, иккинчиси улар орасида ГТО (Готов к труду и оборону) турли нишон тоифалари нормативини топишига ёрдам бериш юкланган.

**Адабиётлар таҳлили ва методлар.** Мақола қиёсий таҳлил ва ҳолислик тамойиллари асосида ёзилган бўлиб, унда Иккинчи жаҳон уруши даврида жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ҳарбий мудофаа фаолиятига ихтисослашуви кузатилган. Бу мақолада даврий матбуот газеталари ва журналлари (“Қизил Ўзбекистон”, “Правда востока” ва б.)да, архив ҳужжатлари (Ўзбекистон Президенти Администрацияси архиви Р-15 фонд, 25-рўйхат, 4205-йиғмажилд; Ўзбекистон Президенти Администрацияси архиви Р-15 фонд, 25-рўйхат, 4364-йиғмажилд; Ўзбекистон Миллий архиви Р-2310 фонд, 1-рўйхат, 37-йиғмажилд)да ва турли адабиётлар (Иккинчи жаҳон уруши даври жисмоний тарбия соҳасига бағишланган Ўзбекистон ССР ва СССР миқёсидаги адабиётлар)да мавжуд бўлган маълумотлар таҳлил қилинди.

**Натижалар ва муҳокама.** СССР, шу қатори Ўзбекистон ССР аҳолисининг ҳарбий-жисмоний ва мудофаавий қудратини ошириш ишларида комсомол (Коммунистик Ёшлар Иттифоқи) ташкилотлари ташаббускор бўлди. Жумладан, 1939 йил август ойида Германия ва Польша чегараларидаги вазиятнинг кескинлашиб бориши, аниқроғи иккала томоннинг чегара ҳудудларига катта қўламдаги ҳарбий аскар ва ҳарбий қуролларни жойлаштира бошлаганлиги ВЛКСМ (Умумиттифоқ Коммунистик Ёшлар Иттифоқи) Марказий Қўмитасининг ушбу август ойида ўтказилган IX пленумида – “Комсомол ташкилотларида мудофаа ва жисмоний тарбия ишлари тўғрисида” қарор чиқаришини тақозо этган эди. Чиқарилган бу қарор асосида мактаб ва бошқа ўқув юртларида ҳарбий хизматга чақириқ ёшидаги ёки чақириққача оз муддат қолганларга бошланғич ҳарбий-жисмоний тайёргарлик ўргатила бошланди. “Ленин-Сталин комсомоллари” олдига

– ёшларнинг ҳарбий-жисмоний тайёргарлигини ошириш; ёшларни умумий совет давлатига нисбатан ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; учувчи ва парашютчи кадрларни, мерганларни, яъни барча ихтисосликдаги ҳарбийларни тайёрлаш – умумий қилиб айтганда, аҳолини ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича тарғибот-ташвиқот вазифалари юклатилди. Бундан асосий мақсад – ҳар бир ёш ишчи, колхозчи, хизматчи ҳар қандай ҳолатда ҳам душманга қарши шай туришини таъминлаш бўлган[1]. Шунингдек, Қизил Армия мураккаб техника билан таъминланганлиги боис, комсомол ташкилоти аъзолари ва мактаб педагоглари томонидан мактабнинг юқори синф ёшларига – ҳарбий техника асосларини чуқур ўргатилиши талаб этилган эди. Бундан келиб чиққан ҳолда, комсомол аъзолари ва педагоглар – ёшларнинг Қизил Армияга пухта билим ва зарур ҳарбий тайёргарлик билан боришларини таъминлашга ҳаракат қилган. Ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини шакллантиришда комсомол ташкилоти билан бирга, Осоавиахим [авиация-химия саноатига ёрдам берувчи жамият] ундан сўнг бу ишларни ДОСААФ (Армия, авиация ва флотга хизмат қилувчи кўнгиллилар жамияти) амалга оширган бўиб, бу ташкилот ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини муносиб олиб борди. Бунинг натижаси ўлароқ, муҳофаа тўғрақларининг сони ортиб борган. Янги-янги гранатачилар, пулемётчилар, мотоциклчилар, ёш автомобилчилар, ПВХО (Противовоздушная и химическая оборона), БГТО (Будь готов к труду и оборону), ЮВС (Юный Ворошиловский стрелок) каби Осоавиахим тўғрақлари ташкил этилди. Ёш ўқувчи ва талабалар орасида жисмоний тарбия ва ҳарбий дарс-машғулотларни ўргатишга катта аҳамият қаратилди[1; 23]. Шунингдек, комсомол ташкилотлари томонидан ҳам муҳофаа-жисмоний тарбия мусобақалари ташкил этилди ва унда қатнашувчилар кўлами ортиб борди. Хусусан, 1940 йилда Фарғона вилоятида ўтказилган мусобақаларда 3990 киши иштирок этган бўлса, орадан бир йил ўтиб 1941 йилда эса бу кўрсаткич 18800 кишига етди. Сурхондарё вилояти

Денов туманида ёшларни мусобақага тайёрлаш мақсадида 69 та мудофаа тўғараги ташкил этилди. Бундан ташқари Қарши тумани бўйича 1200 та, Бухорода эса 1024 та юқори синф ўқувчилари мудофаа нишонлари - БГТО, ГТОга эга бўлиш учун нормани муваффақиятли топширди. Бу нормаларни жорий қилишдан мақсад, бизнинг фикримизча – аҳолини жисмоний ҳолатини яхшилаш бўлган албатта, бироқ энг асосий мақсад – аҳолини ёшлик (мактаб чоғи)дан ушбу нормаларни топширишга тарғиб қилиш ҳамда қизиқтириш орқали фронт аскарлари сонини сезиларли даражада ошириш бўлган.

СССР давлатига Германия қўшинлари ҳужум қилгандан сўнг, вужудга келган фавқулодда аҳволни назарда тутиб ҳамда СССР давлатига хиёнаткорлик билан ҳужум қилган фашистларга қарши зарба бериш учун совет халқларининг барча кучларини тезда сафарбар қилиш мақсадида СССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси ва ВКП(б) Марказий Қўмитасининг котиби И.В. Сталин ва СССР Олий Совети Президиумининг раиси М.И. Калинин томонидан “Давлат Мудофаа Қўмитасини тузиш бўйича”[2] расмий ҳужжат имзоланди. Мазкур ҳужжат 3 та пунктдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

“1. Давлат Мудофаа Қўмитаси тузилсин, бунинг таркибига қуйидагилар киритилсин: И.В. Сталин (раис), В.М. Молотов (раис ўринбосари), К.Е. Ворошилов, Г.М. Маленков, Л.П. Берия.

2. Бутун давлат ҳокимияти Давлат Мудофаа Қўмитасининг қўлида бўлсин.

3. Барча аҳоли ва ҳамма партия, совет, комсомол органлари ҳамда ҳарбий органлар Давлат Мудофаа Қўмитасининг қарор ва фармойишларини сўзсиз бажаришга мажбур этилсин”.

Мазкур юқорида келтирилган пунктлар орқали Мудофаа органларига кенг имтиёзлар берилганлигини пайқаш мумкин. Айниқса, иккинчи ва учинчи пунктларга биноан – бутун давлат ҳокимияти (СССР ва унинг таркибидаги

республикалар), барча аҳоли ва партиялар (Коммунистик партия ва бошқалар), шунингдек, комсомол ва ҳарбий органлар (НКВД ва бошқалар) айнан янги тузилган Мудофаа Қўмитаси томонидан назорат қилиниши белгиланди. Бунинг сабаби, Германия ҳужумига қарши муносиб мудофаа кўрғонини ташкил этиш эди. Бу мудофаа кўрғонини ташкил этиш учун жуда ҳам кўп аскарлар йиғиш керак эди. Бу масалани ҳал этиш учун ҳам янги тузилган Мудофаа Қўмитасига - барча ташкилот ва органлар устидан назорат олиб бориш ҳуқуқи берилган эди. Фашистларнинг ушбу ҳужумидан сўнг, комсомол ташкилотлари аҳоли орасида, айниқса ёшлар орасида фронтга боровчи “ватанпарвар”ларни кўпайтириш мақсадида тарғибот ва амалий ишларни янада жадал олиб бора бошлайди.

1941 йил Ўзбекистон комсомолининг Х съезди ўтказилди. Съездда қўрилган асосий масала ёшлар орасида жисмоний тарбия ишларини янада яхшилашга бағишланган эди. Бу съездда белгиланган ишлар ижросини таъминлаш мақсадида мактаб ёшлари орасида ҳарбийлаштирилган, туристик, альпинистик юришлар, ҳарбий-тактик, сафда юриш машқлари ўтказила бошланди. Бунинг боиси, совет ҳокимияти раҳбарияти наздида - ушбу тадбирлар ёшларни чиниқтиришда, интизомли қилишда, уларнинг жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишида катта роль ўйнаши кутилган эди [1]. Ёш ўқувчи ва талабалар орасида олиб борилган мазкур ҳарбий-жисмоний тайёргарликлар ва оммавий спорт ишлари армия учун жангчилар етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлди [2; 208]. Комсомол ташкилотларининг яна бир муҳим вазифаси – дарсдан ташқари вақтларда жисмоний тарбия-мудофаа ишларини йўлга қўйишда яқиндан ёрдам бериш эди. Буни амалга ошириш учун мудофаа ва жисмоний тарбия тўғрақлари кўпайтирилди, мусобақалар ва ҳарбийлаштирилган ўйинлар ташкил этилди. Улар ўрнатилган бўлиш мақсадида, 1941 йил фашистларнинг СССРга қилган ҳужумининг дастлабки кунларидаёқ 900 минг

комсомол аъзолари фронтга кетган. Кейинги уруш йиллари давомида эса, бу кўрсаткич 2 миллион 700 мингга ташкил этган [3; 24].

Шунингдек, Ўзбекистон ССР комсомол ташкилоти томонидан жисмоний-мудофаа ишларини янада жадаллаштириш мақсадида 1944 йилда – ўз атрофига ўқувчилар, талабалар ва косиб ишчиларни бирлаштирган “Меҳнат резервлари” спорт жамияти тузилди. Унинг вазифаси этиб ҳеч шубҳасиз – профессионал-техника таълими ўқувчилари оммасини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, фидокорона меҳнат ва Ватан ҳимоясига лаёқатли ғоявий чиниққан, жисмонан кучли ва иродали ёш ишчиларни тарбиялаш бўлган [4]. Урушнинг кейинги йилларида ҳам Ўзбекистон ССР комсомол ташкилоти томонидан жисмоний тарбия соҳасида кўплаб ишлар олиб борилди. Хусусан, ушбу 1944 йилда ҳам. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг “Уруш даврида комсомол ташкилотининг ҳарбий-жисмоний соҳадаги ишлари” бўйича 1944 йилги ҳисоботи [5;27]да бунга батафсил тўхталиб ўтилган. Уруш йилларида комсомол ташкилотининг бу соҳада амалга оширган ишлари асосан – Қизил Армия учун заҳира аскарларнинг ҳарбий-жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. Бунга ҳеч шубҳа йўқ. Чунки заҳира аскарларнинг кўпчилиги ёшлар бўлиб, комсомол ташкилоти асосан ёшлар билан ишлайди. Шу ўринда айтиш керакки, оммавий жисмоний тарбия ҳаракати Қизил Армия аскарларининг Ватанни муносиб ҳимоя қилишида муҳим роль ўйнади. Бундан ташқари, уруш даврида жисмоний тарбия ва комсомол ташкилотларига қуйидагича масъулиятли вазифалар юкланди: мудофаа кадрларини, қўл жанги ва пичоқбозлик маҳоратига эга аскарларни, пулемётчиларни ва танкчиларни тайёрлаш ва бу бўйича мунтазам мусобақалар ўтказиб бориш кабилар эди. Юқорида келтирилган комсомол ташкилотининг 1944 йил бўйича ҳисоботида келтирилган статистик маълумотларга биноан, 1941 йилда ўтказилган оммавий спорт тадбирларида 789505 киши, 1942 йилда 1500938 киши ва 1943 йилда эса

1585783 киши иштирок этганлиги намоён бўлади. Бундан ташқари, мактабларда жисмоний тарбия дарс ва машғулотларига бошланғич ва чақириққача тайёргарлик машғулотлари ўтилиши белгиланди ҳамда комсомол ташкилоти Халқ Маориф Комиссарлиги билан ҳамкорликда республикадаги жами мавжуд 4452 та мактабнинг 3805 тасига ҳарбий йўриқчи бириктирилди [5; 28]. Ушбу йўриқчиларнинг 1644 нафарини жисмоний тарбия ўқитувчилари ташкил этган. 1943 йилда 8-10 синф мактаб ўқувчиларининг ҳарбий-жисмоний қобилиятини яхшилаш мақсадида лагерь йиғини ташкил этилган. Йиғинлар давомида 452 та мактаб учун ҳарбий-спорт ташкилотчилари тайёрланди. Республикада жами 10 та ёшлар спорт мактаби мавжуд бўлиб, унда 1405 та ўқувчи тайёрланган.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси томонидан кўплаб ижобий натижаларга эришилган. Масалан, “бир ойлик” спорт иншоотлари қуриш ҳаракати йўлга қўйилиб, бунинг натижасида 450 та волейбол ва баскетбол майдончасини ўз ичига олган стадион ва 59 та гимнастика шаҳарчаси қурилди [6; 10]. Мавжуд 4 та стадион қайта таъмирланиб, 20 та янги стадион, 10 та янги сув ҳавзаси ҳам қурилди. Бир ойлик қурилиш ҳашарида 25910 киши меҳнат қилган. 1944 йилда уруш бошлангандан буён илк бора от спорти мусобақаси (улоқ), ташкил этилиб, унда 5000 киши иштирок этган эди.

Бу ислохотларда камчиликлар ҳам бор бўлиб, улар – мавжуд тўғаракларнинг бошқа ташкилотларга тармоқланмаганлиги, машғулотларда ҳарбий-тактик спорт ўйинларнинг, марш ва ҳарбий юришлар йўлга қўйилмаганлиги ҳамда қуйи жисмоний тарбия ташкилотларининг ташкилий ишларда суст ҳаракатлари эди [5; 29].

**Хулоса.** Уруш СССР ва унинг иттифоқчилари фойдасига якунига етгач, уларнинг фойдасига битим бандлари тузилган эди. Шундай бўлса-да, эҳтиёткорлик ва огоҳликни сақлаган ҳолда яна қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, СССР



Жисмоний тарбия ва спорт бўйича Умумиттифоқ Қўмитасининг 1945 йил 6 июлдаги “Ягона “Большевик”” жамиятини ташкил этиш бўйича №190 сонли Буйруғи [7;7]да Умумиттифоқ Касаба уюшмалари Совети Котибиятининг 1945 йил 21 июндаги №60 сонли Қарори бўйича, ДСО (Добровольные Спортивные Общества)лар “Большевик”, “Учитель”, “Правда”, “Искусства”, “Знание”, “Учитель Узбекистана”, “Учитель Казахстана” ягона ДСО “Большевик” номи остида бирлаштирилиши айтилган. Бу ДСОга куйидаги касаба уюшмаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини олиб бориш юкланиши келтирилади: сиёсий-маърифий муассаса ишчилари, давлат муассаса ишчилари, молия-банк ишчилари, суд ва прокуратура ишчилари, бошланғич ва ўрта мактаб ишчилари, санъат, кино-фото, полиграфия, мактабгача ташкилотлар ишчилари томонидан жисмоний тарбия ва спорт бўйича қилинадиган ишларни назорат қилиш ҳуқуқи берилган эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Н.Хамроев. Мактабда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси (Мактаб комсомол ташкилотлари тажрибасидан). – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 192 бет.
2. Давлат Мудофаа Қўмитаси тузилсин (Москва) // Қизил Ўзбекистон, 1941 йил 30 июнь.
3. Ф.Хўжаев, Х.Мелиев, Д.Юнусова. Жисмоний тарбия тарихи. – Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010. 208 бет.
4. Ҳ.А. Ботиров. Ўзбекистонда жисмоний тарбия тарихи. – Тошкент: “Ибн Сино” номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993. 128 бет.
5. Ўзбекистон Президенти Администрацияси архиви Р-15 фонд, 25-рўйхат, 4205-иш.
6. Ўзбекистон Президенти Администрацияси архиви Р-15 фонд, 25-рўйхат, 4364-иш.
7. Ўзбекистон Миллий архиви Р-2310 фонд, 1-рўйхат, 37-иш.



## **РОЛЬ КОМСОМОЛЬСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ В УСИЛЕНИИ ВОЕННО-ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ СРЕДИ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ ССР В 1939-1945 ГОДАХ.**

**Аннотация:** В данной статье отражена усиленная военно-физическая подготовка среди населения Узбекской ССР в период Второй мировой войны, а также важная роль Комсомольской организации Узбекской ССР в реализации этих мероприятий.

*Ключевые слова:* война, военно-физическая подготовка, комсомольская организация.

## **THE ROLE OF THE KOMSOMOL ORGANIZATION IN STRENGTHENING MILITARY-PHYSICAL TRAINING AMONG THE POPULATION OF THE UZBEK SSR IN 1939-1945.**

**Abstract:** This article reflects the intensified military-physical training among the population of the Uzbek SSR during the Second World War, as well as the significant role of the Komsomol organization of the Uzbek SSR in the implementation of these activities.

*Keywords:* war, military-physical training, Komsomol organization.